



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 16 май, чоршанба

№38 (11.323)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
Ўзбекистон Республикаси кончилиги ва металлургия sanoati ходимлари кунини белгилаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:
Май ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикаси кончилиги ва металлургия sanoati ходимлари кунини» этиб белгилансин.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш. Ш. Ҳамрақуловни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида
ШАВКАТ ШОДИЕВИЧ ҲАМРАҚУЛОВ Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2001 йил 14 май.

Вилоят ҳокимлигида КОММУНАЛ ХИЗМАТ: ИСЛОҲОТ, ТАЛАБ, НАТИЖА

Вилоятимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари қатори аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам иккисодий ислохот тобора чуқурлаштириб боришмоқда.
Бу соҳада эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам бор, уларни бартараф этиш ва шу йўл билан тармоқни бозор иқтисодиёти шaroитларига жадалроқ ўтказиш, бу соҳадаги дебиторлик қарзларини қамайтириш учун қўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар нималардан иборат? Вилоят фаолларининг шу йил 15 май кунини ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган йиғилиши ана шу масалага бағишланди.
Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ҳамидулла Асатов бошқарди. Йиғилишда кун тартибидидаги масалалар ўз-ўзини танқид асосида атрофлича муҳокама қилиниб, соҳадаги ислохотларни жонлантириш, замон талаблари даражасига етказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

10-АСРГА ТАТИГУЛИК йиллар

1. Тақдири тарихга
Тўташ юрт
Оққўрғоннинг кенг-кен далаларини кезиб, қишлоқларини айлансангиз, Одам отодан буён аждодлар босиб ўтган йўллардан ўтгандек бўласиз, фароғатли ҳаёт куй-қўшиқлари, майдон-майдон от суриб, қилич чопишган суворийлар ҳайкириги қулоқларингиз остида жаранглаб ўтгандек бўлади.

Бу томонларда бир бор бўлган инсон ҳаёт ибтидоси, Илоқ ва Шош давлатлари гуркираб, обод бўлган даврлар солномасини ўқийди, мағрибу машриқдан «Ол-ха, ол!» дея ёпирилган талончилар сабаб таназзулга юз тутган шаҳарларнинг вайроналарида мағрур аждодлар изларини тавоф қилади.
Миллоддан аввалги минг йилликнинг ўрталаридаёқ Оқангарон даражасининг бўйлари то Сирдарёгача гуллаб-яшнаган, давлатчилиги рисола-си юқори диёр эди. Олис-яқиндан келган сайёҳлар Илоқ салтанатининг беназир олтин-қумушлари, боғу роглари, ҳосилдор далалари, қалъа-шаҳарларини кўриб, лол қолишарди. Бугун Оққўрғонда ҳаробаларнинг ўзи тасаввурларни шошириб қўйган Канқа ўша кўнча замонларда йирик савдо, хунармандчилик шаҳри бўлган. ЮНЕСКО ўз ҳисобига олган бу ёдгорлик аждодлар салоҳияти, ақлу идроки, қасбу меҳнат, шижоату жасоратидан ҳайратли бир гултож бўлиб турпти. Унга кўтарилиб, Юқори қалъа-қўрғоннинг пахса деворларидан туриб тўрт томонга назар солсангиз, олис-олис-

ларга ёйилиб кетган бир воҳани кўрасиз. Бу – бугунги авлодининг, яна ўз мустақиллигига эришган эмин бир халқнинг ўз аждодларига қўйган ҳайкали.
Қанқанинг тарихи шунчалик кўнчаки, уни «Авесто»да шаъни-шавкати мадҳ этилган Қанқа давлатининг маркази сифатида ҳам таърифлашди. Яна бир жихат шуки, бу шаҳарни Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги Қанғиз – Турон ҳукмдори Афросийёбнинг пойтахтига мўқоса қилишди. Фирдавсийнинг ёзишча, Чоқ шағида шунчалик қиргин бўлганки, Гўлзорим – Сирдарё суви қип-қизил бўлиб оққан.
Бироз юриб, Сирдарё бўйига чиқсангиз, Шоҳрухия шаҳрининг қолдиқлари кўз ўнгингизда намоян бўлади. Амир Темур ўғлининг хотираси учун бу шаҳарни бунёд этишга фармон берган. Дарё бўйидаги тик тепалиқлар устида қисқа мулдатда катта бир хунар-

ОҚҚҲРҒОН БАЙРОҚНИ БАЛАНД ТУТГАН БУ ЗАМИНДА ФАРЗАНДЛАР

мандчилик ва савдо-сотиқ маркази бунёд этилган.
Бу томонларда навқирон авлод ўзининг қимлиги, қандайлиги, қанчангига яшаб, меҳнат қилиши лозимлигидан бир умрлик сабоқ олиши мумкин бўлган ёдгорликлар оз эмас. Улар бешик бўлиб аллалаб, дилга Ватан меҳрини жолайди, мангу қўшиқ бўлиб, буюк келажак сари ундайди. Оққўрғон туманининг бугунги авлоди қалбида, ишида, орзу-режасида айна шу анъана барҳаёт. Акс ҳолда 90-йилларнинг бошларида таназзул аломатлари кўринаётган деҳқончилик, боғдорчилик, минг бир қасб-хунар, илму маърифат шу қисқа ўн йил ичида бугунгидек жўшқин ва сержилло тус ололмади.
Оққўрғон – бугун ҳар жихатдан раваннадаги туман. Ҳайратли, журъатли, ҳисоб-китобли фарзандлар аж-

додларнинг шу заминга бўлган меҳру муҳаббатларини дилларига тугиб яшашмоқда, меҳнат қилишмоқда, улкан режаларни қўлашмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш, бирини сарфлаб, мингини жамғариш иштиники улғайиб куч-ғайрат бағишламоқда. Олис-яқин аждодлар йўлида жонларини ҳам амаган миллий истиқлол уларнинг интилишларига поёндоз.
Шу ўринда биргина лавҳа: туман бош шифокори Эркин Эрназаров билан суҳбатлашиб бораётсак, хушрўй бир йигит рўпара келиб саломлашди.
– Умидимиз, эртанги кунимиз бу йигит, – деди бош шифокор. – Номзодлик илмий даражасини ёқлаш фасли етипти. Тақлиф қилиб келибди.
Танишдик. Латиф Оққўрғонда каттаю кичикнинг дилига жо шифокор-олим Шавкат Қосимовнинг ўғли экан. Институтни битириб, фарзанд ҳам туман ахлига хизмат қилаётди. Уни қўли енгил уролог-жарроҳ деб билишди. Тажриба ортириб, ўз кузатишларини илмий жихатдан умумлаштирипти. Йигитнинг оидин чехрасига бир боқиб-даёқ унинг илгига қўяётган қадамлари кўтулғ бўлишига ишонсан, киши.

Шундай, Оққўрғон томонларда жўшиб-ёниб, завқу шавқ билан яшайди. Меҳнатлари, изланишлари, интилишларининг самаралари ҳам шунга яраша.

- ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**
- Оққўрғон тумани 1935 йил 28 июлда ташкил этилган.
 - 400 квадрат километр майдонини эгалловчи туманда 13 хўжалик, бир шаҳар, бир шаҳор қўрғони ва 65та катта-кичик қишлоқ жойлашган.
 - Туманда 85 мингга яқин аҳоли яшайди.
 - Сўнгги беш йилда аҳоли 5 мингга яқин кўпайди.
 - Туман аҳолисининг 44 фоизи болалар, 46 фоизи меҳнатга лаёқатли кишилар.
 - Оққўрғон – кўпмиллатли туман. Унинг шаҳар ва қишлоқларида 20га яқин миллат фарзандлари яшоб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. 49-мактабнинг биология ўқитувчиси Муҳаммад Шойзоқова республика олимпиадаси ғолиби – 11-синф ўқувчиси Алишер Эргашев билан; Олимкент қўрғони фуқаролар йиғини раиси Ботир Шерғозиев (чапда) маҳаллаларнинг фаоллари билан бўлажак сайловлар ҳуқуқидо кенашмоқда.



(Ў.А.).

«Баркамол авлод»

СПОРТИМИЗНИНГ УМИДЛИ ВОРИСЛАРИ

Вилоятимиз махсус қасб-хунар мактаблари ва билим юртлари вакиллари Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» республика спорт мусобақаларида совринли учинчи ўринни эгалладилар

«Баркамол авлод» республика спорт мусобақаларини юксак савияда ва тантанали руҳда ўтказишга жиддий эътибор берилаётгани беҳиз эмас. Зеро, бўлажак жаҳон олимпиадалари чемпио-лари айнан шу ёшларимиз орасидан етишиб чиқиши шубҳасиз. Шу боис етти хил оммавий спорт тури бўйича биринчи марта ўтказилган мусобақалар анъанага айланади ва ҳар йили ў ёки бу вилоятларда бўлиб ўтади. Мусобақани қабул қиладиган вилоят ҳар сафар танлов асосида аниқланади. Чунки, республика махсус қасб-хунар мактаблари ва билим юртлари талабала-

ридан иборат ёш спортчиларни қабул қиладиган вилоят аввалдан жиддий тайёргарлик қўриши, махсус спорт шаҳарчаларини бунёд этиши, бир сўз билан айтганда, мусобақаларнинг юксак савияда ўтиши учун барча зарур шарт-шaroитларни муҳайё қилиши лозим бўлади.
Жиззах мусобақаларига келсак, вилоятимиз ўсмир ва қизлари ҳеч шубҳасиз муваффақиятли иштирок этдилар. Жумладан, 46 нафар вакилимиз вилоятимиз жамғармасига жами 59та медал ҳада этдилар. Шундан 11таси олтин, 22таси қумуш ва 26таси бронзадир.

Айниқса, енгил атлетика-чиларимиз кўрсатган юксак натижалар алоҳида таъкидлашга арзигulikдир. Ўсмир ва қизларимиз «спорт маликаси» бўлган ушбу турда, ҳатто, Тошкент шаҳар вакиллари ҳам ортада қолдириб, фахрли биринчи ўринни эгалладилар.
Олтин медаллар учун бахсларда ўсмирларимизга нисбатан қизларимиз шиддатлироқ ва матонатлироқ чиқдилар. Масалан, ўсмирлардан фақат педагогика билим юрти талабаси Дмитрий Шуман ядро улоқтиришда ва Қибрай туман 1-қасб-хунар мактаби вакили Шерзод Раҳмонов фарғонача кураш усулида ол-

тин медал соҳиби бўлсалар, қолган тўққизта олтинчи қизларимиз олиб бердилар.
Айтиш мумкинки, Ангрен педагогика билим юрти талабаси Дилора Ҳазирахметова билан Чирчиқдаги 1-қасб-хунар мактаби вакили Ольга Файрузова Жиззах спорт мусобақаларининг қаҳрамони бўлдилар. Чунончи, Дилора 400, 800 метрга ва эстафета, Ольга эса 100, 200 метрга ва эстафета югуришларида барча рақиблирини ортада қолдириб, вилоятимиз медаллари шодасига ун-тадан олтин медал қўшдилар. Ангренлик яна икки қизимиз – қасб-хунар лицейидан Ксения Кузнецова ҳамда тиббиёт билим юртидан Эльвира Шинибекова биттадан олтин ва битта қумуш, битта бронза медали соҳиби бўлдилар. Дарвоқе, фақат ангренлик қизларимизнинг ўзи вилоят жамғармасига 6та олтин медал келтирдилар.
«Дустлик» футбол клуби (Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

ДИЛИМ ОЛТИН ТОРИСАН, ВАТАН

Маънавият ғоятда кенг қамровли тушунча. Унинг илдизлари халқимизнинг ўлмас анъаналаридан озик олса, мангу яшил япроқлари эса, келажакка юз тутади. Айтилган ҳар бир қўшиқ ҳам ана шу яшил япроқларнинг эзгу шивирини десак тўғри бўлади.

Истиқлолнинг илк йилларида-ноқ Президентимизнинг савий ҳаракатлари билан бошланган юртимиз, унинг мустақиллиги, келажиги, бунёдкор кишилар ҳақидаги қўшиқлар кўрик-танлови бугун ҳаётимизнинг ажралмас бир бўла-гига айланиб кетди. Вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида ҳуш овози янграётган иқтидорли хонандалар, бадий ҳаваскорлик жамоалари ана шу танлов шаро-фати билан элга танилаётди. Қибрай тумани сўлим Дўрмон ки-ш-лоғи барига «Ўзбекиво» гастрол-концерт биришмаси вилоят бўли-ми жойлашган Маданият саройи-да бўлиб ўтган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танлови фикрла-римизнинг яна бир тасдиғидир. Шу кунини йилдан-йилга қўшиқлар шира тортиб, ажиб оҳанглار

бунёд бўлаётганлигига, энг му-ҳими ёш санъаткорларнинг и-стиқлолнинг ўн йиллигига муно-сиб тухфа билан келайтиганига яна бир қарра гувоҳ бўлди.
Кўрик-танловни очар экан, вилоят маданият ишлари бош-қармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов таъкидлаб айтдики: «Бугунги қўшиқлар танлови мустақилли-гининг ўн йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ишонамизки, бар-ча қатнашчиларимиз бунини қу-қурлик эитган ҳолда катта тайёргар-лик, масъулият билан ташриф бу-юрганлар. «Ўзбекистон қўшиқ байрами» ўзига хос умумхалқ шодиёнасига айланди, десак, хато бўлмас. Сабаби унда етти ёшдан етмиш ёшгача санъат

(Давоми 3-бетда).

СТИҚДОЛИМИЗ – ИСТИҚБОЛИМИЗ

Республика маънавият ва маърифат кенгаши вилоят бўлимининг таъаббуси билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида республикамиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган «Истиқлолимиз – истиқболимиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Куни кеча Бекобод шаҳри ва Зафар қўрғонда бўлиб ўтган анжуман ҳам кўпчилида яхши таассурот қолдирди. Ўқитувчилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган учрашувда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг уринбосари Раҳматилла Шералиев, Ўзбекистон Миллий университети доценти Ғани Набиев, Тошкент Давлат педагогика уни-верситети доценти Бурибой Абдуллаев ва бошқа олимлар қизиқарли маъруза-лар билан чиқдилар. Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси вилоят бўлимининг раиси, шоир Маҳмуд Тоиров ўзининг янги шеърларини ўқиди.
Вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва ту-манларида ҳам ана шундай учрашув-лар давом этмоқда.

Ўз муҳбиримиз.

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

2. Навбат кўшма корхоналарга

Қишлоққа саноатни олиб кириш – ислохотнинг асосий талаби. Чунки, қишлоқ ҳўжалигининг ўзини ислоҳ қилиш жараёнида аҳолининг муайян қисми тармоқдан озод бўлади. Табиийки, уларнинг барчасини фақат хизмат соҳаларига жойлаштиришнинг иложи йўқ. Аммо уларни ишсиз қолдириш ҳам мумкин эмас. Демак, қишлоқда майдойирик саноат корхоналарини барпо этиш, яъни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш заруратини вазиятнинг ўзи тақозо этади.

Ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда туманда махсус «Бандлик» дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили ушбу дастурга мувофиқ режадаги 716та ўрнига 914та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шундан 809таси айнан қишлоқ жойларида очилди. Бу, албатта, қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик, айниқса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш, аҳолига хизмат кўрсатадиган тармоқлар тизимини кенгайтириш соҳасида олиб борилаётган амалий ишлар самарасидир.

Вилоят ҳокимининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган ўтган йилги қарорини оғишмай амалга оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Биргина 2000 йилнинг ўзида бундай ишлаб чиқариш субъектлари сони 189тага кўпайди ёки режа 119 фоиз қилиб баҳарилди. Туманда чет эл инвестициясини олиб кириш ҳисобига енгил ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш аниқ режа асосида давом эттирилмоқда. Бундан қутилган мақсад, хориж-

га экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кўпайтириш ҳисобига туман иқтисодиётини йилдан-йилга мустаҳкамлаб боришдир.

Чет эл сармояларини олиб кириш борасида «Мурод» хусусий чорвачилик фирмаси амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Ушбу фирма томонидан 4 миллион АҚШ доллари миқдорига янги инвестиция лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу йил сутни қайта ишлаш корхонасини қуриб битказиб, ишга тушириш режалаштирилган. Фирма раҳбарлари 2001-2002 йилларда 710 минг АҚШ доллари миқдоридида чет эл инвестициясидан фойдаланиш ҳисобига яна кўплаб иш ўринлари очиб юзасидан изланиш олиб бормоқдалар.

«Бўстон» хусусий фирмаси темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи цехни ишга тушириб, маҳаллий аҳолидан 20 кишини иш билан таъминлади. Эндиликда «Султонобод» ширкат ҳўжалиги ҳудудидан олинган 20 гектар ерда «Аланга» кичик корхонасини очиб ва четдан олиб келтирилган усуналар ёрдамида черепица ва кафель ишлаб чиқарадиган кўшма корхонага айлантириш, тайёрланадиган маҳсулотларни эса

ОКҚҮРҒОН: БАЙРОҚНИ БАЛАНД ТУТГАН БУ ЗАМИНДА ФАРЗАНДЛАР



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Туман саноатида нодавлат мулк салмоғи 100 фоизга етказилди.
- 2000 йилда таққосланган нархларда 2 миллиард 466 миллион 332 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.
- 2001 йилга нисбатан ўсиш 15,1 фоизга тенг бўлди.
- Утган йили туман корхоналарида 549 миллион 246 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Аввалги йилдаги нисбатан ўсиш 38,3 фоизни ташкил этди.



асосан хорижга экспорт қилиш ҳаракати бошлаб юборилди.

«Акмал» хусусий фирмаси пахта ёғи, кунжара, чигит шўлуҳаси ишлаб чиқаради. Энди эса бу билан чекланиб қолмай, туман ҳудудига яна битта ун заводи қуриб, аҳолининг нонга ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қоплашга ҳисса қўшиш тараддудини кўрмоқда. Энг муҳими, туманга Германия технологияси ва инвестициясини жалб этиб, кўшма

корхона очиб ва шу йўл билан камида 100 кишилик иш ўрнини очиб имкониятлари очилмоқда. Эътироф этиш керакки, ҳозирча фақат пахта тозалаш корхоналарига маҳсулотни чет элга экспорт қилиб, валюта тушумини таъминламоқдалар ва туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, очик турдаги «Оққўрғон» хиссамдорлик корхонаси ишлаб чиқарган пахта толасининг 96 фоизини Англия, Италия,

Швейцария, Жанубий Корея, Австрия ва Болтиқбўйи давлатлари каби узоқ хорижга ва Россияга экспорт қилди. Шунинг самараси ўлароқ 2000 йил ҳисобидан 14 миллион сўм соф фойда кўрилди.

Биз сўзимизни шу ерда мухтасар қилиб, туман саноатининг истиқ-

ҳукумат қарорларининг ижроси – сибсатимизнинг кундалик нафаси. Лекин муаммолар кўп. Айниқса, кўшма корхоналар ташкил этиш соҳасида. Россия сармоядорлари билан 500 ишчи ўринли тўқимачилик ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ниятимиз рўйбга чиқапти. Кичик хусусий ишлаб чиқаришларни барпо этаёلمиз. «Нафис-фарм» хусусий фирмаси украинлик шерик билан ҳамкорликда суюқ ва таблеткада дори-дармонлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатида. Нон цехи ишга тушди. Сувни газлаб, идишларга қўйиш лойиҳаси учун 6 миллион сўм кредит ажратилди. «Бўстон» хусусий фирмаси пишиқ гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Хусусий машина-трактор парки Голландия билан ҳамкорликда қишлоқ ҳўжалик машиналарига сервис хизматини йўлга қўймоқда. Широкларимизда мева ва сутни қайта ишлаш кичик корхоналари очиб тараддудидамиз. Оққўрғон шаҳри ва қишлоқларида ободонлаштириш, янги ижтимоий-маданий марказлар барпо этиш режаларини амалга ошираялмиз. Хонадонларни газлаштириш сўнги босқичга кирди. Бу йил 30 километрлик газ йўли пайдо бўлади. Бу соҳа учун 2005 йилгача мўлжалланган дастуримиз ишлаяпти.

«Имкон» масбуляти чекланган гишт заводи 1997 йили давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган пайтда 10 миллион сўмдан зиёдроқ қарзи бор эди. Корхонада мулк шакли ўзгарач, ишлар олга босиб, тез орада қарзлардан қўриқ бўлиб, фойдага киришди. 2000 йилда 23 миллион сўм дарамад кўрилди.

СУРАТЛАРДА: «Имкон» гишт заводи устаси Қаришбой Умирзоқов ишчи Исроил Паримқулов тайёрлаган маҳсулотнинг сифатини кўздан кечирмоқда; туман марказида иш бошлаган янги «Бахт уйи» биноси.

ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

16-модда. Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси **Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.**



Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаётга тадбиқ қилинаётганда халқ ва давлат манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда талқин қилиниши зарур. Зеро, Конституциянинг ўзи халқ ва давлат идорасининг ифода-сидир. Шунинг учун Конституция ва қонунларнинг провард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилиши керак. Чунки Конституция давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлиб, у олий юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжати, Конституция ҳуқуқнинг ҳамма тармоқлари: фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва

хоказолар учун қонунчилик базаси бўлиб ҳисобланади. Давлат органларининг барча қонунлари ва меъририй-ҳуқуқий ҳужжатлари Конституция асосида чиқарилади ва унинг қоидаларига хилоф бўлмаслиги лозим.

Асосий Қонунимизга биноан Ўзбекистон тарихида биринчи марта Конституция махсус тарзда муҳофаза қилинадиган бўлди. Яъни шу мақсадда Конституциявий суд жорий қилинди. Бу орган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мос келишини текшириб туради.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
ТДЮИ давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Анжуман

Илмга бахшида умр

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида улкан навоийшунос олим, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори Ҳамид Сулаймон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Ҳ.Сулаймон жаҳон кўлэзма фондлари ва шахсий кутубоналарда сақланаётган Шарқ кўлэзма китобларини, уларнинг микрофильмлари ёки фотонусхаларини тўплаш мақсадида кўплаб хорижий давлатларга экспедициялар уюштирди. Франция ва Англия сафари чоғида Алишер Навоий кўлэтининг нодир безакли нусхаси, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Аҳмадий, Амирий асарлари мажмуаси ҳамда Навоий, Бобур, Низомий, Фирдавсий асарларига ишланган ноёб миниатюралар слайдларини келтириб, ташкил этилишида ўзи бошқор бўлган Алишер Навоий номидаги музей захирасини бойитди. Шу билан бирга, у Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлаш учун замин ҳозирлаб, матншунослик соҳаси ривожига бебаҳо ҳисса қўшди.

Анжуманда Ҳамид Сулаймоннинг ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари олимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Тақдимот

АВТОТЕХНИКА МАКТАБИ ЯНГИ БИНОДА

Шу йил 11 май куни Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилот кенгаши Ангрэн шаҳар автомактаби янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилган, тинчлик ва хотиржамлигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўша оладиган ёшларни мудофаага тайёрлаб, ҳар қандай мураккаб техника воситаларини мустақил бошқара оладиган мард ва жасур йигитларни тарбиялаш «Ватанпарвар» ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир.

Бу борада айниқса, Ангрэн шаҳар автотехника мактабининг ўзига хос муносиб улуши бор. Унинг иш фаолиятига назар солсангиз, ўқув-машқ дарсларининг пухта ўтилиши, мудофаамизга ҳамда халқ ҳўжалигига малакали ҳайдовчиларни, шунингдек, разрядли спортчиларни тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи ишларининг яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ангрэн автомактаби янги биносининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилот раҳбарияти, Тошкент шаҳри ва вилоятлар «Ватанпарвар» МКТ кенгаши раислари, Тошкент вилояти кенгаши

шаҳар ва туманлари МКТ раҳбарлари, Ангрэн шаҳар ташкилотлари ва муассасаларидан ташриф буюрган вакиллар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар Республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» маркази кенгаши раиси Абдулазиз Абдуқаҳоров, вилоят МКТ кенгаши раиси Карим Ваҳобов, Ангрэн шаҳар ҳокими муовини Мамашариф Ҳасанов, автотехника мактаби бошлиғи Наврўзбек Мирзаев ва бошқалар Ангрэн мактабининг қурилишида иштирок этган қурувчиларга миннатдорчилик билдириб, унда яратилган шарт-шароитлар, ўқув-машқ ва техника базасининг мустаҳкамлиги ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу кунги маросимга йиғилганлар автотехника мактабига жойлашган ўқув ишлаб чиқариш хоналари ва машқ майдонларини кўздан кечирдилар.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СПОРТИМИЗНИНГ УМИДЛИ ВОРИСЛАРИ

бининг марказий ўйингоҳида Жиззаҳда ўтган биринчи республика спорт мусобақаларида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимизни шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Умнат Мирзакулов ёш спортчиларимизнинг қўлга киритган ютуқлари билан самимий қутлаб, улар шаънига

(Давоми. Боши 1-бетда).



илиқ-иссиқ гаплар айтди. – Сизлар келажақда вилоятимиз спорт шарафини кўқларга кўтарадиган умидли ёшларимизсиз, – деди ҳоким. – Қолаверса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай жаҳон

спорт майдонларида Ўзбекистон байроғини ҳам баланд кўтарадиган, миллий мадҳиямизни янгратадиган юксак маҳоратли спортчилар ҳам айнан сизнинг сафингиздан етишиб чиқишга шўбҳа йўқ. Бунинг учун вилоятимизда барча имкониятлар бор. Сизларнинг спорт чўққиларини дадил эгал-

лаб боришларингиз учун вилоятимизда барча зарур шарт-шароитлар, албатта, муҳайё этилади. Шундан сўнг Жиззаҳдаги спорт мусобақалари ғолибларига қимматбаҳо совғалар тантанали суратда тақдим этилди. Энг кўп медалларни қўлга киритган қизларимиздан Дило-ра Ҳазинахметова, Ольга

Файрузова, Ксения Кузнецова, Эльвира Шинбековага телевизор топширилди. Яна 46 нафар спортчи ўғил-қизларга гилам ва магнитофонлар, шунингдек, уларни спорт мусобақаларига тайёрлашда алоҳида хизмат қилган беш нафар мураббийга гиламлар совға қилинди. Ўзбекистон Президентининг совғаси – «Тико» енгил автомашинаси қалитини эса, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев қабул қилиб олди.

Вилоятимизнинг ёш, истеъдодли хонандаси Дилноза Исмиёминова бошлиқ санъаткорлар гуруҳи ғолиб спортчиларимизнинг ёқимли куй ва қўшиқлари билан олқишладилар.

Абдусамид ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АХМЕДОВ (суратлар)
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

ЮКСАК ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА

Касаба уюшмалари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган энг катта нодавлат, жамоат ташкилоти ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси меҳнатқашларнинг манфаатига хизмат қилиш, уларни ижтимоий муҳофаза этиш, иш бевуқиларнинг турли ўзбошимчиликларидан ҳимоялашдир. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг юмуши янада кўпайиб кетди, вазифалари кенгайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг бундан бир йил муқаддам бўлиб ўтган учинчи қурултойи қабул қилган қарорларда бу вазифалар аниқ белгилан берилди.

Жойлардаги касаба уюшмалари кўмиталари ва ташкилотлари бу кўрсатмаларни қандай бажармоқдалар, бу соҳада эришил-

ган ютуқлар, йўл қўйилаётган камчиликлар нималардан иборат? Замон талабларига мослашиб, жамоа шартномаларининг бажарилиши қандай бораёпти? Шундай жамоат ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, уни давр талаблари даражасида бўлишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бу ва бошқа шу каби масалалар кунги кеча Паркентда бўлиб ўтган касаба уюшмаларининг ўқув-машгулотида атрофлича муҳокама қилинди ва ишчи яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Йиғилишни олиб борган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Мухайё Тўлаганова шуни маълум қилдики, машгулот олдидан Паркент ва Юқоричирчиқ туманлари ҳўжаликлари, корхоналари, ташкилот ва муассасалари касаба уюшмалари ташкилотла-

ри фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди. Мутахассислар ишнинг ташкил этилишини ўрганиш билан бирга касаба уюшмаларига ёрдам ҳам бердилар.

Шундай машгулот-ўқувларни ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бундай анжуманлар Олмалик, Чирчиқ ва Тошкент туманида ҳам бўлиб ўтган эди. Уларнинг бево-сита жойларда ўтказилаётганлиги яхши самара бермоқда. Паркентдаги анжуман ҳам очик савол-жавоб, жонли мулоқот, фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиб, йиғилганларнинг фаоллиги билан ўтди.

Касаба уюшмалари фаолларининг ҳуқуқий билимларини оширишга тобора эътибор қучайиб бормоқда, чунки, ҳозирги вақтда унинг сазёлиги салбий оқибатларга олиб келмоқда, панд бераёпти.

Касаба уюшмалари ва ислохот

Шунинг учун ҳам машгулотдаги биринчи маъруза шу ҳақда бўлди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси ҳуқуқ бўйича бош ноизи К. Мухторов меҳнат қонунлари ва уларга амал қилишда қўп учрайдиган нуқсонлар ҳақида батафсил гапирди. Йиғилганлар вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташкилий ишлар ва аъзо ташкилотлар бўлими мудири Маҳмадjon Иноғомов, молия ишлари ва ижтимоий сўғурта бўлими мудири Маъсуда Ниёзованинг икки тумандаги касаба уюшмалари фаолиятини ўрганиш натижалари ҳақидаги маърузаларини ҳам тингладилар. Машгулот қатнашчилари узларининг барча саволларига батафсил жавоб олдилар ва қўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҚАДОҚЛАШ ТИЗИМИ ИШГА ТУШДИ

Қуйичирчиқ туманидаги Отажонов номли агрофирманинг боғ ва узумзорлари майдони минг гектарга яқинлашиб қолди. Бу ерда етиштирилаётган мева-ялар мамлакатимиз ташқарисида ҳам машҳур. Айни вақтда ҳўжаликда қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Яқинда шу тармоқда яна бир янги қувват ишга туширилди. Италиянинг «Фаттагрупп» фирмаси билан ҳамкорликда замонавий қалоклаш линияси ўрнатилди. Унда чиройли безакли идишларга жойлаштирилган қуруқ мева-ларни хорижий мамлакатларга жўнатиш назарда тутилган.

Собир ҲАМИДОВ.

«Ўзбекистон қўшиқ байрами»

ДИЛИМ ОЛТИН ТОРИСАН, ВАТАН

ошфталари дил торларини чертиб, қўшиқларини Ватанга армуғон этадилар.

Қўрик-танловнинг Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли бастакор Энмарк Солихов бошчилигидаги хайъати эътиборига 42та қўшиқ тавсия этилди. Янгийўлик Ваҳобжон Охунов, чирчиқлик Мурод Сариев, оҳангаронлик Мархабо Аҳмедова, бўқалик Жасур Акмалов, ўртачирчиқдан Шоир Комилов, қибрайлик Мирсаид Миркомилов, бекободлик Мухаррам Саматова, олмалиқлик Дилноза Исмиёминоваларнинг қўшиқлари маданият саройи залини тўлдириб ўтирган муҳлис-ларнинг қизгин олинқилари-га сазовор бўлди. Катнаш-чилар орасида, айниқса, ширинтой болақонларнинг борлигини алоҳида қайд этиш лозим. Қибрайлик Шахзода Яшнарова «Капалак», бўқалик Лайло Умирова «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқларини ижро этганда, атроф болалик тароватига тўлгандек бўлди. «Ўзбекистон қўшиқ байрами»-дек нуфузли қўрик-танловда хор жамоаларининг нуфузи тобора ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бу сафар Ўртачирчиқ туманидан «Хушнуд», Окқўрғон туманидан «Қал-

дирғоч», Зангиота туманидан «Хонобод» болалар, вилоят педагогика ҳам юрти хор жамоалари ҳам муслиқий, ҳам ижровий маҳоратларини намойиш этидилар.

«Қўшиқ бу энг ажойиб изхори дилдир», деган эди қўшиқчи шоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пулат Мўмин. Дарҳақиқат, қўрик-танлов аввало, Ватанга, истиқлолга, келажакка энг яхши роз бўлди. Сўнгра вилоятимизда маънавий бойлиқнинг миқёслари бағоят улканлигини ҳам кўрсатди. Биз залда ҳозир бўлганлардан фикрларини ўртоқлашишни сўраганимизда улар шундай дедилар:

Равшан Оқбўтаев, Бўка тумани, хизматчи: – Салкам тўрт соат давомида қўшиқлар тингладик. «Алла» айтган онахонимиз янгибозорлик Шоира Тешабоева, «Ўзбекистон – Ватаним маним» деб куйлаган қозоқ оғамиз Аширмат Мусаев, оҳангаронлик Нигора Хайитметова, Махмуд Гуломов, янгийўлик Эркин Ақромов – қўйингки, барча-барча эхтирос билан куйладилар. Шунга амин бўлдики, Ватан – бу туганмас илҳом, қўшиқ бўлоғи экан. Бу ерга келганимдан сира афсусланмадим.

Ҳабибулла Ҳамидуллаев, Зангиота тумани маданият бўлими мудири: – Ростки, бунчалар жўшқин кайфиятдаги танловда қачон қатнашганимни эслолмайман. Янги номлар, янги қўшиқлар, келажаги

порлоқ овоз эгаларини кўриб, ўзимда йўқ қувондим.

Нихоят сахнага хайъат аъзолари кўтарилди. Улар барча иштирокчиларни қўлаб, қўлабларни эълон қилдилар. Олмалиқлик Дилноза Исмиёминова ижро этган «Ватан», Шукр Қурбон шайри, Қаҳрамон Комилов муслиқаси қўшиғи биринчи ўринга муносиб кўрилди. Олмалиқлик Алишер Ҳалимов («Оқ йўл тила, Ватан онажон», Н.Нарзуллаев, А.Мансуров), оҳангаронлик Мархабо Аҳмедова («Зебо юртим», Н.Нарзуллаев, Д.Омонуллоев), вилоят педагогика бўлими юрти хор жамоаси («Богларингга бир гул бўлиб чўмдим, Ватан», Н.Қамолова, А.Мансуров)га иккинчи ўрин насиб этди. Қибрайлик Шахзода Яшнарова («Капалак», П.Мўмин, А.Шукророва), чирчиқлик Раъно Ғозиёва («Орзиқиб кутаман, сени баҳорим», А.Турдиев, Р.Абдуллаев), Ўртачирчиқ тумани «Хушнуд» хор жамоаси («Бундай диёрни сев-

мас бўлмас», Н.Нарзуллаев, А.Назаров) учинчи ўринни эгалладилар.

Қўрик-танлов якунланди, қўлаблар аниқланди. Лекин... **Махмуд Тоиров, шоир, хайъат аъзоси:** – «Ўзбекистон қўшиқ байрами» қўрик-танловининг асосий ғояси бу – янги шеър, янги қўшиқлар, янги муслиқалар яратишдир. Бугун халқимизга жуда яхши таниш бўлган қўшиқлар ҳам ижро этилди. Кейинги танловларда бунга эътибор бериш айни муддао бўлади.

Рамзиддин Икромов, «Ўзбекнаво» ГКБ Тошкент вилояти бўлими директори: – Ғолиблик мартаба эмас. Танловда энг яхши деб номлари зикр этилган хонандалар ўз устларига ишласалар, маҳоратларини ошириб бора-салар, халқимизнинг ардоқли қўшиқчиларига айлансалар – эзгу ниятимиз шунки.

Биз ҳам бу фикрга қўшил-ламиз. Ватанимиз ҳақидаги энг яхши қўшиқлар ҳамиша дилимиз туридан ўрин ола-версин, деймиш.

Темур УБАЙДУЛЛО, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

СУРАТЛАРДА: қўрик-танловдан лавҳалар. **Аида, САЙТОВА олган сураатлар.**



(Давоми. Боши 1-бетда).



«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

«Ўзбекистон почтаси» Паркент тумани филиали Ҳисарак алоқа бўлими ходими М.Тожибоев туман ҳокимияти ва филиал раҳбарларининг оғзаки буйруғига асосан газ, сув, электр қуввати тушум пулларини йиғишга, шунингдек, бошқа ноанъанавий хизмат турларини бажаришга мажбур эътиборни ҳақиқатда таҳририятга мурожаат қилган эди.

Хат текшириб, чора кўриш учун очиқ турдаги «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти (ОАЖ)га ҳавола этилди.

«Тошкент почтаси» ОАЖдан ушбу хатга жавоб олинди. Унда юқорида кўрсатилган ҳолатлар ба-тафсил ўрганиб чиқилганлиги айтилади.

– Ҳақиқатан ҳам охириги пайтда почта соҳасида, – дейилади жавоб хатида, – асосий хизмат турларининг ҳажми кескин камайиб кетиши туфайли «Тошкент почтаси» ОАЖга қарашли барча филиалларда шартнома асосида газ, сув, электр қуввати учун тўланадиган тушум пулларини йиғиш, халқ истеъмоли молларини сотиш ишлари фақат шартнома асосида бажарилади. Бу аҳолидан дебиторлик қарзларини йиғиб олишда уз самарасини бермоқда. Аҳолига халқ истеъмоли молларини мажбурий сотиш ва тушумларини мажбурий равишда йиғиш қонунда маън этилган.

Шикоят хатининг муаллифига хатда кўтарилган масалалар бўйича тушунтириш берилди ва у бу тушунтиришдан розилигини билдирди, – дейилади жавоб хатида.

Пилла-2001

ЖОЙ ЕТАРЛИ, БАРГ СЕРОБ

Оҳангарон туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалигида галла ва сабзавотдан ташқари энг кўп пилла етиштирилади. Бу йил одатдагидан қарийб 20 кун барвақт очирилган 140 қути ипак қурти уруғи 118 хонадонга тарқатилди. Пиллакорлар қуртларни айниқса кичик ёшда агротехника қондаларига оғишмай амал қилган ҳолда парваришлашнинг ҳадини олишган.

Қуртхоналар олдиндан тайёрлаб қўйилгани туфайли қуртларнинг ёши ошган сари қўшимча хона ва суриларга олиниб, йиратиб боқилмоқда. Т.Суярова, С.Қурбонқулова, А.Юнусова, С.Мирзақулова каби тажрибали пиллакорлар парваришидаги қуртлар касалга чалинмай, тез ва соғлом ривожланмоқда. Хўжаликда қурт боқаётган хонадонларни етарли миқдорда барг билан таъминлаш яхши ташиқ этилган.

Тумандаги «Ангрен» ширкат хўжалигида ҳам ипак қуртини парваришлаш жараёни ҳал қилувчи паллага кирди. С.Мингбоева, Ғ.Норбоев, А.Ғамбардиев, А.Омоновларнинг хонадонларидаги ипак қурти бу йил анча барвақт дастага кириди. Бу икки хўжаликда етарли миқдорда даста тайёрлашга ҳам анча эрта киришилган. **Теша ШЕРАЛИЕВ.**

ҲОЗИРЧА УЛАРИ ИККИНЧИ

Бўстонлиқдаги 125-автокорхона жамоаси ўтган хўжалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан тугатган эди.

1 миллион 220 минг тоннадан ортиқ халқ хўжалик юклари ташиб берилди, олинган даромад эса 2 миллиард 828 миллион сўмни ташкил этди. Корхона жамоаси бундай ютуқлари билан «Тошвиллоктранс» концерни корхоналари уртасидаги йил якуни бўйича узаро беллашувда мукофотли иккинчи ўринни эгаллади.

Транспортчилар жорий йилда ҳам вақтдан узиб ишламоқдалар. Мавжуд автомашиналар саройидан самарали фойдаланиш туфайли мижозларга хизмат кўрсатиш юзасидан тузилган шартномалар тула бажарилапти. Йилнинг биринчи чорагида деярли 300 минг тонна юк ташилди. Бу режадагига қараганда 16 минг тонна кўпдир.

Усмон МУҲАМЕДОВ.

Шаҳар қишлоққа

ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДКОР

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги акциядорлик жамияти жамоаси жами 13 турдаги машина-механизмларни ишлаб чиқармоқда.

Бу ерда йил бошидан бери республикаимиз деҳқон хўжаликлари ва фермерлар учун уч хилдаги ер ҳайдаш, уруғ экиш, зовурлар ва ариқларни қазитиш ва тозадашга мўлжалланган машина-механизмлар ишлаб чиқарилиб, баҳорги деҳқончилик ишлари олдиндан буюртмачиларга етказиб берилди. Биринчи чорак топшириги эса 100,2 фоиз қилиб бажарилди.

Шокир ТЎҒОНОВ.

БОТҚОҚ ЎРНИДА БЎСТОН

Ерлар ўз эгаларини топмоқда. Шу босис тўпалоқ таркиби яхшиланиб, самарадорлик ошяпти.

– Ўн йилча илгари ботқоқ жойлардан икки гектар ер олиб, уни ўзлаштиришга киришган эдим, – дейди Зангиота туманидаги Алишер Навоий номли ширкат

хўжалигидан фермер Салим Тоҳиров. – Вазирлар Маҳкамасининг саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа ёғочбоп дарахтзорлар барпо этиш хусусида 1994 йил февралда қабул қилган қарори менга куч-гайрат бағишлади. Етти минг тупдан ортиқ терак, бир мингдан ортиқ бошқа ёғочбоп дарахтлар экиб, парваришлашга киришдим. Беш-олти ёшли тераклар қурилишга яраб қолди.

Жонкуяр табдиркор богида олма, олхўри, урик, турли нав тоқлар ҳам ҳосилга кирди. Истиқлол ишончига қанот бағишлаган «Семурғ» фермер хўжалиги табдиркори ботқоқлик ўрнида шу тариқа бўстон яратди. **Ҳамид СОБИРОВ.**

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

3. Деҳқоннинг қосаси оқаргани шў-да

Оққўрғон дегайда пахтаси лўппи чаноклардан тўлиб-тошган оппоқ дала-лар, бўйи бир қарич тўқ бошоқлари енгил шабадада денгиздек чайқалиб турган текис галлазорлар кўз олдимизга келади. Бу – аввало, ислохот шаро-фати. Бу – ислохотлар моҳиятини тўғри англаб, уни босқичма-босқич, қадам-ба-қадам, аммо изчил амалга ошириш-нинг ўлдасидан чиқаётган туман деҳ-қонлари меҳнатининг шарофати.

Бугун «Ислохот нима ўзи?» деган саволга ўрин йўқ. У бутун мамлакатда юз бераётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, янгиланиш-ларда манаман, деб ту-рибди. Ана шу соҳалар-нинг ирмоғи, ҳеч икки-ланмай айтиш мумкинки, ҳал қилувчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги-даги ислохот одимлари-ни Оққўрғон тумани ми-солида, унинг захматкаш зироатчи халқининг йил сайин фаровонлашиб бо-раётган турмуш тарзида ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳақда гап бошлаш-дан аввал бир масалага ойдинлик киритиб олиш жоиз. Ислохотнинг моҳи-ят-мақсади – меҳнатни эркинлаштириб, унинг пировард натижаси мо-дий бойлик яратётган инсоннинг турмушини ях-шилаш ва ҳаётини фаро-вонлаштиришга хизмат қилишига эришиш. Ту-манда ишлаб чиқариш-нинг ҳамма жабҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалик тармоғида ислохотларга

ана шундай нуқтаи назар-дан ендюшляётгани сабаб-ли бирор йил йўқки, оққў-ғонликлар пахта ёки галла режасини бажаролмаган бўлсинлар. Лекин собиқ тузум дав-ридагидек, ҳамма қандай бўлмасин режани бажаришга уриниб, ўлиб-тири-либ ишлаётгани учун шун-дай бўлаётгани йўқ. Энди туман деҳқонларининг аниқ мақсадлари бор – кам сарф-харажат қилиб, кўп даромад олиш. Тўғри, ҳозирча ҳамма ерда бу ният тўла рўёбга чиқаётгани йўқ. Айрим хўжаликларда деҳ-қонлар ўз меҳнатлари са-марасидан тўлиқ баҳра-манд бўлолмаптилар. Ле-кин айб уларда эмас, бош-қарув тизимидаги хато ва камчиликларда, аниқроғи кўйи бўғинлардаги иш бо-шида турганларда. Эпла-ганлар эса қандини уряап-ти.

Масалан, «Ўзбекистон» ширкат хўжалигини олиб кўрайлик. Сир эмас, ҳозир айрим корхона ва ташки-айниқса, қишлоқ хўжалик тармоғида ислохотларга

ОҚҚЎРҒОН: БАЙРОҚНИ БАЛАНД ТУТГАН БУ ЗАМИНДА ФАРЗАНДЛАР

тўлолмапти. Режаларни бажармаётган хўжаликлар-да эса деҳқонларнинг қўли, умуман, пул кўрмайди. Ле-кин мана, бир неча йилди-ки, «Ўзбекистон»да иш ҳақи тайин. Ҳар ойнинг охири-да ҳисоб-китоб тайёр бўлиб, узоғи билан икки-уч кунда маош тарқатилади. Бу – қатъий одат. Аъзолар ҳам шунга кўникишган, ҳам-манинг кўнгли тўқ. Сабаби – хўжалик йилига 50-60 миллион сўм даромад ола-ди. Тўй ва маъракаларда-ги моддий ёрдам, дам олиш уйлари ва санаторий-ларга бепул йўлланмалар-дан ташқари аъзоларга йи-

лига 200 тонна бугдой, 100 тонна пахта ёғи, 40-50 тон-на гуруч, керагича ун тар-қатилади. Хуллас, бошқа-рув раиси Эргаш ота Ниё-зовнинг айтишича, айрим пудратчиларнинг ойлик да-ромади 100 минг сўмгача боради.

Бунга ишонса бўладими? Келинг, «Ўзбекистон»ни кўя туриб, Оққўрғонде номли ширкат хўжалигидан бу са-волга жавоб излаб кўрай-лик. Бошқарув раиси, Ўзе-кистон Республикасидаги хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Раҳимжон Ҳакимжонов ҳикоя қилади:

– Ислохот – нибоб эмас. Нима демоқчиман? Шир-кат, ижара, оила пудрати, деб оғиз кўпиртирган би-лан иш битмайди. Бу за-монавий, яъни бозор муно-сабатлари тамойиллари росмана ишлаши керак. «Холва, холва» деб тамша-ниб юргандан нима фойда! Айтилик, қолхоз ёки совхоз ширкат хўжалигига айлантирилди. Экин май-донлари пудратчи оилалар-га бўлиб берилди. Хўш, бу билан деҳқонлар амалда ер эгаси бўлишди? Қишлоқ мулкдорига айланишди? Менимча, йўқ. Чунки, кўп

жойларда деҳқонларга ер эмас, экинлар бўлиб бери-лади. Яъни у ёки бу деҳқон бу йил бир ерда пахта етиштирса, кейинги йили бошқа ерда галла етишти-ради. Демак, деҳқоннинг ўз ери йўқ. Бу йил бир ерда, эндиги йили бошқа ерда экин экиб юрибди, холос. Тўғри, бундай тартибда ҳам деҳқон моддий манфа-атдор бўлади. Аммо бундай манфаатдорлик тўлиқ эмас, кемтик бўлади. Биз буни тушуниб, бошқача йўл тут-дик. Экин майдонлари оилаларга имкониятига қараб, муқим қилиб бўлиб

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Туманда жами 25 минг 876 гектар ерда деҳқончилик қилинади.
- Экин майдонлари 5695 нафар оилавий пудратчига 10 йил муддатга шартнома асосида бириктириб берилган.
- Фермер хўжаликларини ташкил этиш борасида туман етакчи ўринга кўтарилди. Бугунги кунда вилоят бўйича энг кўп – 374 нафар фермер хўжалиги мустақил фаолият юритмоқда.
- Туманда жами 23 минг 510 бош чорва моллари, шу жумладан 11 минг 642 бош ситир боқилмоқда. Ўтган йили 22 минг 294 тонна сўт, 5857 тонна гўшт етиштирилди.



берилди. Қайси картага қандай экин экишни хўжа-лик белгилайди. Кимнинг чекига қайси экин тушса, шуни экади. Албатта, экин турлари йиллар оша алма-шиб туради. Лекин пудрат-чи ҳар йили бир ернинг ўзида деҳқончилик қилади. Бу ҳол ўн йил давом этади. Чунки, шартнома ўн йилга тузилади.

Дарвоқе, шартнома тўғрисида. Билган одамлар учун у – қонун. Юзакки қарайдиганлар учун шунча-ки, ҳужжат. Ҳақиқатан ҳам, шартнома шартларига хар икки томон тўла амал қил-яра, деҳқонда ишонч муста-камланди. Чунки, меҳнати-га яраша ҳақини олади.

Шу ўринда шартнома бизда чинакам қонун қучи-га эга эканлигига мисол келтирай. Пудратчи Рауф Тошбоев ўтган мавсумда 2 гектар ерда пахта етиш-тирди. Шартномада белги-ланган 5340 килограмм ўрнига 10300 килограмм ҳосил топширди. Яъни ге-ктарига 51,5 центнердан хирмон кўтарди. Хом ашё юқори сифатли бўлгани учун хар килограммига 57 сўм 84 тиридан ҳақ тўла-ди. Ортиқча топширган пах-тасининг ўзидан 187 минг 200 сўм даромад олди.

Ғайрат Файзиев оиласи эса, 4,5 гектарда бугдой етиштириб, 71,3 центнер-дан дон ўриб-янчиб олди. Режадаги 18,9 тонна ўрни-га 32,1 тонна галлани хир-монга ўйди. 13,1 тонна ор-тиқча галланини ярмини давлатга қилишган нар-

хда сотди. Тенг ярми эса ўзига қолди. Энди пуд-ратчининг йил давомида иш ҳақи сифатида олган 60 минг сўмга экин пу-лига уйига ташиб олган 6 тонна 550 килограмм галласининг бозор нар-хидаги қийматини қўсангиз, унинг фақат галлаларидан олган бир йиллик умумий дарома-ди чиқади.

Шартноманинг қонун қучига эга эканлигига бошқача мисол ҳам бор. Ўтган йили галла эккан 8 нафар пудратчи шартно-ма шартларини чала-ярим бажарди. Бундан қурилган зарар учун бо-шқарув қарори билан улардан 346 минг сўм пул ундириб олинди. Ик-кинчидан, бу йил улар-нинг ерлари бошқа та-лабгорларга бўлиб бе-рилди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Тожибой Бекбутаевнинг таъкидла-шига қараганда, узоғи билан икки-уч йилдан сўнг бошқа барча хўжа-ликларнинг иқтисодий фаолияти ҳақида юқори-дагидек тахлилий фикр юритиш имконияти ву-жудга келади. Чунки, ту-мандаги мавжуд 13та давлат ва жамоа хўжа-ликлари ширкат хўжа-ликларига айлантири-либ, иш юритишнинг пудрат ва ижара усулла-ри қонун қучига эга бўлган шартнома асоси-да чуқур ва тўла жорий этилмоқда.

«Султонобод» ширкат хўжалигида 242 гектар майдон-га экидан «Умтаик» нав бугдой қўтилишидан ҳам сер-ҳосил бўлиб етилмоқда. Жумладан, «Мирзабек» фермер хўжалиги далаларидаги бугдой қамда 50 центнердан ҳосил тўқитиш қўтилимоқда.

Ўтган йилги хом ашёнинг сўнги тонналарини қайта ишляётган «Оққўрғон» пахта тозалаш корхонасида эса бу йилги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик бошлаб юбо-рилди.

СУРАТЛАРДА: хўжалиқнинг етакчи мутахассиси Тил-лабек Очлов «Мирзабек» фермер хўжалиги раҳбари На-зар Бозорбоев билан ҳосил чўғини чама-ламоқда; пахта за-води илгори ишчиси Дилором Абдуразақова ва созовчи Ҳус-нидин Ниёзбеков.



4. «Ҳар соҳада мутахассис етарли»

Рақобат инсонни ўз «чўққиси»да мудраб қолмасликдан сақлайди. Биз бозор муносабатларига ўтилиши муносабати боисига рақобат тушунчаси билан ошно бўлгандекмиз. Аслида бундай эмас. Инсон ҳаёти ва турмуши, ҳатти-ҳаракатлари ва интилишлари, орзу-истаклари ва изланишлари рақобат замирига йўғрилгани учун ҳам тарқибёт бор, юксалиш бор.

Оққўрғонда бугунги ҳаёт манзаралари, турли касб-кор эгаларининг меҳнати ва турмуш тарзи билан танишиб юриб, шундай эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Ҳар соҳа бўйича мутахассис етарли, — деди туман бош шифокори Эркин Эрнатаров. — Бугун бизнинг соҳамизда уч фан номзоди, 73 олий тоифали, умуман 178 шифокор меҳнат қилапти. Урта тиббиёт ходимларимиздан 190 киши олий тоифали. Соғлиқни сақлаш ва даволаш муассасаларимизда 500дан ортиқ урта тиббиёт ходими ишлайпти.

Шуларни айтатириб, бош шифокор: «Ҳа, конкуренция катта», — деб қўйди. Агар шу рақобат бўлмаганида ҳар йили камда 300дан ортиқ урта тиббиёт ходимида малакани ошириш ишתיки бўлмасди, бу муҳим жараён мажбуриятдан иборат бўлиб қоларди.

Оққўрғон — тиббиёт соҳасида Эломон Муха-

медов, Саиджалоҳ Баҳромов сингари академикларни, фан докторлари Ҳамид Фармонкулов, Озод Мухамедов каби алломаларни етказиб берган туман.

«Илм қилиш», ўз малакасини тинмай ошириб бориш, шу орқали замонавий таххис-даволаш услубиети билан ҳамқадам бўлиш бу ерда яхши анъанага айланган.

Шу тўғрисида Оққўрғонда ҳамма жабҳадаги ислохотларда алоҳида ҳақиқатли кузатилади. 49-ихтисослашган умумтаълим мактабини ХХI асрдаги ҳатти-ҳаракат учун ўзига хос тажриба марказига қиёс қилгудек.

Битирувчиларнинг 55-60 фоизи ҳар йили мамлакатимиз олий ўқув юртиларига кириб, камолотнинг янги босқичига кўтарилади.

Фақат кейинги йиллардагина ушбу мактаб ўқувчиларидан Гулнора Мирзаева, Азиз Жабборов, Диларфўз Ражабова, Алишер Эргашевлар республика ўқувчиларининг фан олимпиадаси ғолиблари бўлишди.

— Мактабимизда таълимнинг икки йўналиши устун, — дейди директор Нуриддин Қосимов. — Биринчиси —

ОҚҚЎРҒОН: БАЙРОҚНИ БАЛАНД TUTGAN BU ЗАМИНДА ФАРЗАНДЛАР

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Туманда 1475 қабулга мўлжалланган даволаш муассасалари ишлаб турипти.
- «Алломиш» ўйинларида туман умумкоманда ҳисобида биринчи ўринга чиқди.
- Сўнгги бир йилда мингта яқин хонадон газлаштирилди.
- Туманининг 96 фоиз аҳолиси, 65та шаҳар ва қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланган.
- 17та маданият саройи ва клуб маънавий-маърифий тарбия марказига айланган.
- Спортчилар 187та стадион, спорт майдончаси ва сув ҳавзасида жисмоний чиниқишмоқда.
- Коллеж ва мактабларда 18 минг 950 ўқувчи билим оляпти.
- 35та боғчада 4850 бола тарбияланаётди.



бошланғич ҳарбий таълим, иккинчиси — гуманитар фанларнинг ўқитилиши.

Бу ҳам таълим соҳасидаги ислохотларнинг самараси. Устозлар ҳам шунга яраша терилган.

Бугун ҳам мактаб кучли педагогик жамоага эга. Мукаддас Шойзокова, Макфиро Сафина, Мўтабар Жалолова, Абдукарим



бор.

Кадим-кадимлардан Оққўрғон халқи шундай интиқлик ва интилишда. Бунга кадимий шаҳарларнинг кўплаб қолдиқлари, мангулик қўрғонидagi битиклар, маҳаллий кадимшунослар «етти қават» ер тағидан топиб,

туман музейига топширган топиломалар гувоҳ. Бунга Оққўрғон пахтакорларининг илгор деҳқончилик тажрибаси гувоҳ. Аждодлар байроғини баланд тутиб, мамлакатнинг келажак сари интилишларига ҳамқадам бораётган оққўрғонликларнинг бугунги шижоати, йўқотишлару кашф этишлари гувоҳ.

Оққўрғон спортчилари ҳам ҳар соҳада илгарилар бормоқда. Бугун футбол майдонида Оққўрғон пешқадам. Боқсада ҳам Оққўрғоннинг ўз мактаби, ўз чемпиони Умид Тўрақулов шу кунларда Англия

шафарида, халқаро мусобақаларга ҳозирлик кўраётди. Бошқа бир боксчи — Ўзбекистон чемпиони Фаррухжон Юсупов эса Бoku сафарига тайёрланапти. У жаҳон чемпионатида катнашади. Тазвондода беш карра Ўзбекистон чемпиони Шерзод Ҳасанов-чи? Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Шермухаммад Қўзиёв олимпиадада иштирок этиб,

СУРАТЛАР: 1. Оққўрғон туман музейи жамағатлари бўлимининг мудири Наталья Варюхина экскурсиячиларни уруш йиллари бўлими материаллари билан таништирмоқда; 2. «Қувонч» болалар фольклор ансамбли.

юксак шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди...

...Оққўрғонда гаплар шундай, ишлар шунча. Бу ерда аждодлар байроғини баланд кўтарган номус-орли, журъатли, ташаббус ва шижоати беназир замондошларимиз кўп. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини улар мана шундай бирсўзликда, яккадан кутиб олишмоқда.

Жўра САЎДУЛЛАЕВ, Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ, Даврон АҲМЕДОВ (суратлар) «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Оромгоҳлар чорлайди

Ҳадемай мактабларда сўнгги кўнғирок чалинади. Синов-имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, «елкасида тоғ ағдарилган» болажонлар оромгоҳлар сари талпинишади.

Тошкент вилояти кўчаларидан болаларни ёзги оромгоҳларга элтувчи автобуслар карвони ўтишига ҳам санокли ҳафтала қолди. Бизга маълум қилишларича, бу йилги мавсумда вилоят касабда уюшмалари тасарруфида бўлган 17та оромгоҳ 13 минг 725 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олади.

Айни кунларда оромгоҳларни мавсумга шайлаш, дам олувчиларга зарур шaroитларни яратиш билан боғлиқ тадбирлар низоҳасига етказилмоқда. Айниқса, Чирчиқ қурилиш материаллари ва жиҳозлари комбинатида қарашли «Гўзал», «Ўзбекимёмаш» очик акционерлик жамиятининг «Хумо», Олмалиқдаги «Амофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги «Чимён» оромгоҳларида болажонлар мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шaroитлар мўҳайё этиб қўйилди.

— Ўқувчилар ёзги дам олиш мавсумини марокли ўтказиши учун ижтимоий сугурта, касабда уюшмалари, корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 125 миллион сўм маблағ ажратилмоқда, — дейди вилоят касабда уюшма кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Турдалиев. — Шунга мувофиқ оромгоҳларга йўлланмалар нархини ҳам бирмунча арзонлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Вилоят мактаблари қошида одатдагидек, ўқувчиларнинг ёзги соғломлаштириш масканлари ишлайди. Бироқ ҳозирча улар икки минг ўғил-қизни қабул қилади.

Н. ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

«ЎҒРИ БОЛА ЁШ ЭКАН...»

Яқинда шаҳар бозорларидан бирининг сабзавотлар сотиладиган расатидан ўтиб кетаётган эдим. Бирдан ниға қий-чув бўлиб қолди! Қарасам, бир кекса киши ҳалослаганча қўлида магнитофон ушлаб олган болани қўлаб келаяпти. Унинг «ўғрини ушла, ушла...» дейишига қарамай ҳеч ким қочаётганининг йўлини тўсиб, ёрдам бермади. Кекса киши амаллаб такасалтанг, саёқ йиғитни ушлаб олди. 15-16 ёшлар атрофидаги халиги бола жабранувчининг қўлидан чиқиб қочиб қолишга бир неча марта уриниб кўрди. Қария ҳам бақувват экан, маҳкам ушлаб, қўйиб юбормади. Боланинг қўлини қайириб «оперпункт» томонга суради...

Воқеа тепасида ҳалойик тўпланди. Уларнинг аксарияти хотин-халажлар, айримлари кексалар эди. Йиғилганлар «... бола ёш экан, қўйиб юбора-қолинг, ўзингизнинг ҳам бола-чақангиз бордир!» деб, қўйишларди. Бир-иккита «... бу ўғрини милицияга олиб бориб топшириш керак, жазосини олсин!» деганларнинг овозлари «қўйиб юбориш керак, хали ёш экан, ҳаммамизнинг ҳам шунга ўхшаган болаларимиз, невараларимиз бор. Уйдан чиқиб кетгандан кейин нима билан шуғулланади билмайсан киши,

Мунозара учун мавзу

бир адашганда, бола бечора!», деганларнинг қий-чув остида аштитилмай қолди... Ўз магнитофонини бола қўлидан тортиб олган киши, бир оз нима қилишини, кимнинг гапига киришни билломай гарангисиб турдида, қўлини асабий ҳолда силтаб, маҳсулотини сотиш учун кетди. Йиғилганлар «бу номаъқулчиликни бошқа қилмагин, хўпми...» деб, унга ачинган бўлиб, ўғрини қўйиб юборишди. Бола эса «рахмат» ҳам дегани йўқ, безрайиб туриб, ура қочиб кетди. Уни бозорда бошқа кунлари ҳам бир неча марта бежо, олазарак юрганини учратиб қолган пайтларим бўлди... Шунда тўпланганларнинг кўпчилиги ўғрилик қилган болани қўйиб юборишга жабранувчини мажбур қилиб, ўзлари бундан кейин халиги такасалтангга жиноятчиликни яна давом эттириб юраверишига имкон бермадилармикан, деб ўйлаб қолдим. Зеро, уларнинг қай-бири бу «йўлдан адашган бола»ни энди тўғри йўлга қиради, номаъқулчиликни давом эттирмайди...» деб, қафиллик бера олади. Балки, ўғри қамбо қўйилмаган тақдирда ҳам, унинг исми-шарфи аниқланиб, ота-онасига билдириш чоралари кўрилса, бироз чўчитиб қўйилса фойдадан холи бўлмасмиди?..

Баҳром ТУРСУН.


ҚИЗИҚ УММОНДА СУЗИБ ЮРУВЧИ ШАҲАР

Курраи заминимизда куруқликнинг етишмаслиги ҳозирча сезилаётгани йўқ. Лекин, афтидан куруқликда яшаш айрим инсонларнинг меъдасига текканга ўхшайди. Сўнгги вақтларда ерда истиқомат қилиш ҳам хавфли бўлиб қолди. Зилзилалар, турли хил техноген фожеалар одамларнинг умрга завоҳ бўлаяпти. Бундан холи бўлиш учун сузиб юрувчи шаҳарларда яшаш лозим. Бундай аҳоли манзилгоҳлари эса қурса бўлади, ҳозир бунинг ҳеч қийинчилиги йўқ.

Американинг «Фридом» корпорацияси шундай шаҳар қуришга киришмоқчи. Мазкур шаҳарнинг макети Дубай (Бирлашган Араб Амирликлари) шаҳрида уюштирилган «Инвестиция ва мулк» кўргазмасида намойиш этилди. «Океанполис» деб аталувчи бу шаҳар жуда катта кемадан иборат бўлади. Унинг сув сийғими 2,7 миллион тоннадан ташкил этади, бу ҳозирги вақтдаги энг йирик супертанкерга нисбатан беш баравар каттадир. Унинг юқори палубасида узунлиги бир ярим километрга аэропорт, бошқа палубаларида эса деярли 100 минг аҳолига мўлжалланган хонадонлар, 20 минг ўринли меҳмонхоналар, дўконлар, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар жойлашади.

Фирма сузиб юрувчи шаҳарни икки йилдан кейин фойдаланишга топширишни режалаштирмоқда. Бу вақтгача уларнинг бешдан бир қисми қад кўтарган бўлади. Қолганлари уммон кенгликлариде қурилади. Сузувчи шаҳар икки йилда ер куրрасини айланиб чиқади. У муз тоғлари учрамайдиган кенгликларда сузиб юради. Зеро, «Титаник»нинг қисмати унутилмаган.


Ўзингизни синанг «Минг баргли нилуфар»



ЭНИГА: 7. Бирор соҳага хос муайян тушунчанинг аниқ ифодаси. 9. Қадимги Шарқда энг йирик пул ўлчови. 10. Қайсга нисбат берилган ном. 11. Паразит ҳашарот. 12. Ширинлик. 14. Қашмирда «Минг баргли нилуфар». 15. Ўн минг отликка эга ҳоким. 17. Тузиллиши жиҳатидан мураккаб бўлмаган. 19. «Жаҳаннам» сўзининг маънодоши. 21. АҚШдаги штат. 22. Рим империяси давридаги лавозим. 24. Қутлиш учун зарур ёрдам. 26. Хива хони. 27. Ток пояларини боғлаш учун ишлатиладиган новда. 29. Уйнинг тепаси. 30. Тонга давлатининг пойтахти. 33. XIV-XVI асрларда усмоний турклар босиб олган Болкон мамлакатларининг номи. 34. Фаршталардан бири. 36. Ҳиндистондаги шаҳар. 38. Қимматбаҳо тош.

БҮЙИГА: 1. Россиядаги дарё. 2. Ҳикматли сўз. 4. «Паранжи сирлари» пьесаси муаллифи. 5. Самодаги учар жисмлар. 6. Отнинг урғочиси. 8. Ёқага тутиладиган ўсиқ юнгли мўйна. 12. Нордон мевали даракт. 13. Педагогиканинг бир бўлими. 16. Цирк майдонининг атамаси. 17. Кишиларнинг тор бир гуруҳи. 18. Узок қариндош. 20. Саудия Арабистонидagi тоғ. 23. Индонезиянинг миллий қаҳрамони. 25. Бир йиллик хушбўй қўкат. 28. Чўл «бег». 31. Мусулмон илоҳиёти. 32. Жума кунги тўғилган қиз. 35. Амурдернинг қадимги номи. 37. Урта асрларда Венеция ва Генуяда давлат бошлиғи.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.



16-20 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёнгингарчилик қутилмади. Ҳарорат кечалари 18-23, кундуз кунлари 35-40 даража атрофида иссиқ бўлади.

Об-ҳавони кузатиш бoш бoшқармасидан хабар қилишларича, Сузувчи шаҳар икки йилда ер куրрасини айланиб чиқади. У муз тоғлари учрамайдиган кенгликларда сузиб юради. Зеро, «Титаник»нинг қисмати унутилмаган.

Шу даврнинг охирига бориб айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдиқроқ бўлиши эҳтимоли бор. Шамол кучайиб, унинг тезлиги ҳар сонияда 15-17 метрга етади. Кейинчалик эса ҳарорат пасайиб, кечалари 10-15, кундуз кунлари 23-28 даража атрофида иссиқ бўлиши қутилади.

«БИЛЛУР СОВРИН» ДАЪВОГАРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон кубоги мусобақаларида ҳал қилувчи ўйинлар бошланди. Кун кеча чорак финалда йўлланма олган саккиз жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» ҳамда Қаршининг «Насар» жамоалари «Дўстлик» майдонида ярим финалга чиқиш учун баҳс олиб бордилар. Майдон эгаларининг бир неча ҳужумлари самарасиз яқунлангач, меҳмонлар шиддатли қарши ҳужум уюштириб, ҳисобни очигина муваффақ бўлдилар. Собиқ «дўстлик»чи Нўмон Ҳасанов ўн биринчи дақиқада ўз жамоасини 1:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Танаффусгача майдон эгаларининг ҳисобни тенглаштириш учун қилган ҳаракатлари зое кетди.

Баҳодир Аннамаев 61-дақиқада ҳисобни 2:0га етказди. Уйин охирида жамоаларнинг дарвозани забт этиш учун қилган ҳаракатлари самарасиз яқунланди.

Иккинчи чорак финалда «Андижон» «Нефти»ни қабул қилди. Меҳмонларнинг киритган икки тўпига майдон эгалари бир тўп билан жавоб бердилар, холос. Натижада «Нефти» ярим финалга йўлланмани қўлга киритди.

Пойтахтимизнинг «Пахтакор» жамоаси сафарда «Қизилкум» билан учрашди. Уйин 4:1 ҳисобида «Пахтакор» ғалабаси билан яқунланди. Сўнгги ярим финалчи «Сўғдиёна» — «Бухоро» учрашувида аниқланди. «Сўғдиёна» меҳмонлар дарвозасига бир тўп киритиб, ўз дарвозасидан учта тўп ўтказиб юборди.

«Биллур соврин» баҳсларида тўртта ярим финалчи ўз учрашувларини сафарда муваффақиятли яқунлаб, кейинги босқичга чиқдилар.

Кун кеча Ўзбекистон Футбол федерациясида ярим финалчилар жуфтлигини аниқлаш учун қуръа ташланди. Қуръа натижасига кўра «Насар» — «Пахтакор» билан, «Бухоро» эса «Нефти» билан баҳс юритиладиган бўлди. Ярим финал ўйинлари икки учрашувдан иборат бўлади. Биринчи учрашув 2 июнда, жавоб учрашуви эса 16 июнда ўтказилади. «Биллур соврин» учун бўладиган финал учрашуви 27 июнь чоршанба кунги Тошкент шахрида бўлиб ўтади.

Тайят ЮСУПОВ.

Тошкент шаҳар Боровский номидаги тиббиёт техникуми томонидан 1977 йилда Тўйчиева Якут Бурйоевна номига берилган 554144 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Кетгут-Силк» очик турдаги акционерлик жамияти жамоаси Тошкент «Тибтехника» корхонаси директори **Миробид Фозилович ОЧИЛОВНИНГ** бевақ вафот этганиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда деллларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.